

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ушбу Конституциявий Қонун сайлов тизимини такомиллаштиришга, сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқий кафолатларини кучайтиришга, фуқаролар йиғинлари фаолиятининг ва референдумда иштирок этининг ҳуқуқий асосларини мустақамлашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги 417-XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган 265-II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 176-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 6, 574-модда; № 10, 983-модда) 6-моддасининг учинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин: «Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар референдумда иштирок этиш ҳуқуқидан факат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкин. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг референдумда иштирок этиш ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 915-XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-350-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 9, 588, 591-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 574-модда, № 10, 983-модда) куйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) 7-модданинг матни куйидаги тахрирда баён этилсин: «Давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратади, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишда кўмаклашади»;

2) 8-модданинг иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишининг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли»;

3) 10-модда биринчи қисмининг еттинчи ва ўнинчи хатбошиларидаги, 11-модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи ва еттинчи хатбошиларидаги, 13-модданинг иккинчи қисмидаги ва учинчи қисмининг тўртинчи хатбошидаги, 14-модданинг номидаги, биринчи қисмининг биринчи хатбошидаги, иккинчи ва учинчи қисмларидаги, 15-модданинг номидаги, биринчи ва иккинчи қисмларидаги, 18-модданинг учинчи қисмидаги, 21-модданинг биринчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги, 22-модданинг биринчи қисмидаги, 23-модданинг номидаги, биринчи ва иккинчи қисмларидаги, 24-модданинг номидаги, биринчи қисмининг биринчи ва учинчи хатбошиларидаги, 25-модданинг биринчи – тўртинчи қисмларидаги тегишли сон ва келишидаги «(оқсоқоли)» деган сўз чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 8, 469-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 199-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 970-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда) 203-моддасининг биринчи қисмидаги «(оқсоқоллари)» деган сўз чиқариб ташлансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги 350-II-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 60-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 12/1, 344-модда; 2012 йил, № 4, 104-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2021 йил, № 2, 139-модда, 4-сонга илова) 8-моддасининг матнидаги «беш» деган сўз «етти» деган сўз билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 15 октябрда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги УРҚ-499-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 675-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 213-модда) куйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) номидаги «(оқсоқоли)» деган сўз чиқариб ташлансин; 2) 1-модданинг матнидаги, 2-модданинг номидаги ва матнидаги, 3-модданинг номидаги, биринчи – тўртинчи қисмларидаги, 4-модданинг номидаги ва матнидаги, 5-модданинг номидаги, биринчи – тўртинчи қисмларидаги, 6-модданинг номидаги ва матнидаги, 7-модданинг номидаги, биринчи ва иккинчи қисмларидаги, 8-модданинг номидаги ва матнидаги, 9-модданинг номидаги ва матнидаги, 2-бобнинг номидаги, 10-модданинг номидаги, биринчи ва иккинчи қисмларидаги, 10-модданинг номидаги ва матнидаги, 11-модданинг номидаги, биринчи қисмидаги, учинчи қисмининг иккинчи, учинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошиларидаги, 12-модданинг номидаги, биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларидаги, 13-модданинг иккинчи, учинчи, тўртинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи хатбошиларидаги, 14-модданинг номидаги, биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларидаги, 15-модданинг бешинчи – саккизинчи хатбошиларидаги, 3-бобнинг номидаги, 16-модданинг номидаги, биринчи – тўртинчи қисмларидаги, 17-модданинг номидаги, биринчи ва иккинчи қисмларидаги, 4-бобнинг номидаги, 18-модданинг номидаги ва тўртинчи қисмидаги, 19-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошидаги, учинчи – олтинчи қисмларидаги, 20-модданинг номидаги ва матнидаги, 21-модданинг биринчи – тўртинчи қисмларидаги, 22-модданинг матнидаги, 23-модда иккинчи қисмининг бешинчи хатбошидаги, 24-модданинг номидаги, биринчи ва тўртинчи қисмларидаги, 25-модданинг номидаги, биринчи ва иккинчи қисмларидаги, 26-модданинг номидаги, биринчи ва учинчи қисмларидаги, 27-модданинг номидаги, биринчи қисмининг биринчи, учинчи, тўртинчи хатбошиларидаги ва иккинчи қисмидаги, 28-модданинг номидаги ва матнидаги, 29-модданинг номидаги ва матнидаги, 30-модданинг номидаги ва матнидаги, 31-модданинг номидаги ва матнидаги тегишли сон ва келишидаги «(оқсоқоли)» деган сўз чиқариб ташлансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 июнда қабул қилинган УРҚ-544-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 6, 327-модда; 2021 йил, № 2, 139-модда, 4-сонга илова, № 6, 518-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 574-модда) куйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 5-модданинг учинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан факат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкин. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди»;

2) 13-модда бешинчи қисмининг саккизинчи хатбошига куйидаги тахрирда баён этилсин:

«У Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда ёки Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанда»;

3) 14-модда куйидаги мазмундаги ўттиз олтинчи хатбоши билан тўғрилисин:

«Ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган ўзга ваколатларни амалга оширади»;

4) 25-модда куйидаги тахрирда баён этилсин:

«25-модда. Вилоят, туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссиясига аъзолик

Йигирма бир ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, қоида тариқасида, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар виллоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиясининг, округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Куйидагилар виллоят, туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас:

Қонунчилик палатаси депутати, маҳаллий Кенгаш депутати, Сенат аъзоси; бошқа сайлов комиссиясининг аъзолари; сиёсий партияларнинг аъзолари ва ваколатли вакиллари; виллоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари; прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари; номзодлар, номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари; номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар; оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар.

Участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда, қарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамқоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари мустасно.

Сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлигига номзод ёки ишончли вакил этиб рўйхатга олинган аъзоси сайлов комиссияси таркибидан чиқиб кетган деб ҳисобланади.

Сайлов комиссияси аъзосининг ваколатлари мазкур сайлов комиссиясини тузган орган томонидан бевосита ёхуд уни аъзоликка тавсия этган органнинг тақдимномасига биноан куйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

- у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисида ёзма ариза берганда; у суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда; унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда; у ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармай келганда; қонунга кўра у сайлов комиссияси аъзосининг ваколатларини амалга ошириш билан бир вақтда шугулланиб бўлмайдиган лавозимга сайланганда ёки тайинланганда; у суднинг қонуний кучга кирган қарорига асосан бедарак йўқолган деб топилганда ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда; у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда ёки Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанда; у вафот этганда.

Зарур бўлган тақдирда, ушбу Кодексда белгиланган тартибда сайлов комиссиясининг янги аъзоси сайланади»;

5) 36-модданинг матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги уларнинг ваколатлари мuddати тугашидан камида уч ой олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, бундан ушбу Кодекснинг 66 ва 74-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

6) 60-модданинг биринчи қисми куйидаги мазмундаги жумла билан тўғрилисин:

«Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш мuddатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

олтинчи қисми куйидаги мазмундаги жумла билан тўғрилисин:

«Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш мuddатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

7) 61-модданинг биринчи қисмидаги «беш» деган сўз «етти» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) 66-модда куйидаги тахрирда баён этилсин:

«66-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига мuddатидан илгари сайлов

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Сенат Раисининг зиммасига юклатилади, бундан ушбу мuddат ичида, ушбу Кодексга тўлиқ мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мuddатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаган тақдирда, сайлов ушбу Кодексга тўлиқ мувофиқ ҳолда икки ой ичида ўтказилади. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш мuddатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

9) 74-модданинг иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сайлов Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов ўтказилишига камида бир ой қолганида тайинланади ва ушбу Кодекснинг талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этилади. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш мuddатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

10) 13-боб куйидаги мазмундаги 74-модда билан тўғрилисин:

«74-модда. Қонунчилик палатаси депутатларининг мuddатидан илгари сайлови

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тарқатиб юборилган тақдирда, Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлови ушбу Кодексга тўлиқ мувофиқ ҳолда уч ой ичида ўтказилади.

Қонунчилик палатаси томонидан ўзини ўзи тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлови ушбу Кодексга тўлиқ мувофиқ ҳолда икки ой ичида ўтказилади. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш мuddатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

11) 14-боб куйидаги мазмундаги 87-модда билан тўғрилисин:

«87-модда. Сенат аъзоларининг мuddатидан илгари сайлови

Сенат Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тарқатиб юборилган тақдирда, Сенат аъзоларининг сайлови ушбу Кодексга тўлиқ мувофиқ ҳолда уч ой ичида ўтказилади.

Сенат томонидан ўзини ўзи тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Сенат аъзоларининг сайлови ушбу Кодексга тўлиқ мувофиқ ҳолда бир ой ичида ўтказилади»;

12) 93-модданинг иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сайлов тегишли маҳаллий Кенгаш томонидан сайлов ўтказилишига камида бир ой қолганида тайинланади ва ушбу Кодекснинг талабларига риоя этилган ҳолда ташкил этилади. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш мuddатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

13) 93-модданинг иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Янги ташкил этилган маъмурий-ҳудудий бирликда халқ депутатлари виллоят Кенгаши депутатлари сайлови Марказий сайлов комиссияси томонидан, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари сайлови эса тегишли халқ депутатлари виллоят Кенгаши томонидан сайлов ўтказилишига камида икки ой қолганида тайинланади ва ушбу Кодекснинг талабларига риоя этилган ҳолда ташкил этилади. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш мuddатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

14) 98-модда: биринчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловиغا, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга, маҳаллий Кенгашларга сайловга, шу жумладан бўшаб қолган депутатлик ўринлари учун сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади»;

куйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўғрилисин:

«Маҳаллий Кенгашларнинг бўшаб қолган депутатлик ўринлари учун сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳар йили қабул қилинадиган маҳаллий бюджетларнинг харажатлари қисмида назарда тутилади»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча учинчи ва тўртинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрда қабул қилинган «Фавқулодда ҳолат тўғрисида»ги УРҚ-737-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 12, 1195-модда) 15-моддасининг иккинчи қисмидаги «(оқсоқоллари)» деган сўз чиқариб ташлансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилик ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Конституциявий Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Конституциявий Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

10-модда. Ушбу Конституциявий Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирадди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 6 май № УРҚ—838

Икки томонлама муносабатларда янги босқич

Германиялик бизнес вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарасини, жумладан, мамлакатимизда хорижий инвестиорлар учун қулай меҳнат шароитлари яратилганини юқори баҳолади. Ҳамкорликни янада ривожлантириш, янги қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун катъий нијати борилиги билдирилди.

Бизнес форуми Ўзбекистон ва Германиянинг вазирилик, идоралар ҳамда етакчи компаниялари раҳбарлари ўртасида "G2B" музокаралари ва мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқлари кесимидаги аниқ мисоллар ва лойиҳалар тақдими билан давом этди.

Ишонамизки, форум яқунлари бўйича қатор соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилгани икки томонлама муносабатларнинг янги босқичини бошлаб беради. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимиз юксалиши, халқимиз фаровонлигига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Барно МИРЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Уруш қатнашчилари ва фахрийлари доимо эъзозда

Бу уруш инсоният, шу жумладан, халқимиз бошига қандай оғир азоб-уқубат ва талафотлар, беҳисоб қурбонлар келтирилганини халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Бу йўналишда мамлакатимизда давлат раҳбари бошчиликда зарурий ишлар олиб боришмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди. Хусусан, 2020 йилга қадар уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда қатнашган, деб ҳисобланар эди. Дунёдаги архивлар ўрганилиб, янги топилган маълумотлар таҳлил қилинганда эса Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин кишилар урушга сафарбар этилгани маълум бўлди. Бундан ташқари, илгари Ўзбекистоннинг 396 минг нафар фуқароси урушда ҳалок бўлган, деб айтилган бўлса-да, аслида мазкур рақам



Юнус БҮРИЕВ олган сурат.

538 мингдан зиёд бўлган, 158 мингдан кўпроги бедарак йўқолган.

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида орден ва медаллар

билан мукофотланган Ўзбекистон вакилларининг сонига ҳам ойдинлик киритилди. Илгари бу кўрсаткич 120 минг деб қайд этилар эди. Янги

маълумотларга асосан, Иккинчи жаҳон урушида 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жангларда давлат мукофотлари билан тақдирланган. Жумладан, илгари Ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг сони 280 нафар деб ҳисобланган, аслида эса улар 301 тани ташкил этгани маълум бўлди. 70 нафар юрдошларимиз учала даражадаги «Шон-шараф» орденига сазовор бўлган ўз тасдиғини топди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон

МУҚАДДАС ДИНИМИЗ ВА ИЛМ-МАЪРИФАТ ФИДОЙИСИ

Ушбу даврда исломнинг бош китоби — Қуръони карим, балки ҳадиси шариф ҳамда ҳалққа доир ноёб асарлар ўзбек тилига ўгирилиб, халқимизга етказиб берилиши оммавийлик тусини олди.

Собиқ иттифоқ даврида диний илмлар ривожига эътибор берилмас эди. Худосизлик тарғиб қилинар, дин билан шугулланганлар таъқиб остига олинарди. Бошқаларни қўя туриб, ҳатто миллатдошларимизнинг аксарияти ҳам муқаддас динимизга оид қарашлари маъмув чўпчаклардан ўзга нарса эмас, деган номақбул қарашда дин пешволарига беписанд муомала-муносабат қилиш ҳоллари ҳам учраб турарди.

Не бахти, Усмонхон Алимов зиёли оилада дунёга келди. Тўри олиб борилган таълим-тарбия болалик кезларидаёқ уни ҳақ ва ноҳақлик, адолат ва адолатсизлик, ҳалол ва ҳаром тушунчаларини бир-биридан ажратиб олишга ўргатди. Табиатидаги ҳалимлик унинг илмга чанқоқлигини акс эттириб тургандек бўларди.

Марказий Осиёнинг аздалан диний савод чиқариш маркази сифатида юртимиздаги айрим ҳудудларда ўша кезларда яширин ташкил қилинган ҳужралар фаолият юритарди. Қирғизистон, Қозғистон ва Россиядан толиблар келиб уларда сабоқ олишарди. Усмонхон Алимов эса бунақа жойларда эмас, Бухоро шаҳридаги машҳур Мир Араб мадрасасига бориб ўқишни орзу қиларди. 500 йиллик тарихга эга Мир Араб мадрасасининг нафақат шарқ ислом маънавияти, балки бутун жаҳон илм-маърифатига қўшган улкан ҳиссасини яхши билган ёш толибга бу даргоҳда таҳсил олиш nasib эди. Шаҳобиддин Маржоний, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Оллошқур Пошшоҳода, Тағта Тождудин, Аҳмад Қодиров каби ислом олами мўътабар уламоларни ҳам мана шу мадрасада таълим олишган эди.

Меҳридар, теварак-атрофдагиларга мулоимлик билан муносабатда бўладиган Усмонхон Алимов илм эгаллаш, одамларни тўри йўлга бошлаш масалаларида ёшлик кезларидаёқ қатъиятли эди. У масъулиятни теран ҳис этар, ҳукмрон мафкурада сийсати тўғриси халқимизга узилб қолган муқаддас ислом динининг фазилатларини тушунтиришда илмининг юксак аҳамиятини теран англади. Аллоҳнинг ҳар бир қаломини ўша замондаги вазиятнинг айнан кўзгуси каби унинг қалбиде акс-садо берарди. Ҳўш, шундай экан, бундай зиён, бахтсизликдан чиқшининг йўли ҳам асрлар давомида аждодаларимизнинг қон-қонига сингиб кетган шу муқаддас динимизнинг ўсида эмасми? Ҳа, шундай, “Асп” сурасининг сўнги 3-оят **“Магарам иймон келтирганлар ва солиҳ амаллар қилганлар, бир-бирларини ҳақ йўлга чақирганлар ва бир-бирларини сабрга чақирганлар** (ундоқ эмасди)”, деган қаломнинг ўзиёқ илмга чанқоқ Усмонхон Алимовнинг қалбини ёриштириб юборарди. Инсон икки дунёда бадбах бўлиб қолмаслиги учун Аллоҳга иймон келтириши, солиҳ амаллар қилиши, Ҳақ билан бўлиши, сабрга чақириви кераклигининг маъмув-моҳиятида бутун дунё илму ҳикмати жо бўлганини у билиб олганди.

Ҳа, муқаддас қаломнинг ҳар бир сўзи, ҳарфи, белгиси оламҳон маъно-маъмув ташвишини англаш учун яна билишни оширмоқ керак. Шу мақсадда Усмонхон Алимов Мир Араб мадрасасидан сўнг Имом Бухорий номидеги Тошкент ислом институтида, Мароқашнинг “Каравийн” дорилфунунда таҳсил олди. Ўз олдига қўйган мақсадни сидқидилдан бажаришга киришиб, Самарқанд вилояти Пайарик туманида жойлашган Имом Бухорий номидеги жоме масжидида имом ноиб, кейинроқ имом-хатиб вазифаларида фаолият юришга бошлади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган, юртимизда дин софлигини таъминлаш, уни ниқоб қилиб ўз сиёсий найрағларини ўтказишга қўлдан бўлган

райиринсоний қуларга қарши маънавий кураш олиб бориш, турли фирқаларга бўлинишдан асраш, соф ислом маърифатини кенг тарғиб этишда Усмонхон Алимов жонбозлик кўрсатди.

“Ислом динининг асл қадриятлари, Муҳаммад ал-Бухорий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Баҳоуддин Нақибанд каби улуғларнинг маънавий бойликларини қайта тиклашда беқиёс ҳисса қўшган, ислом уммати ва ўз халқига кўп хизмат қилган уламо Усмонхон ҳазрат Алимов ўз ҳаётини атеистик тузум даврида қўриқиб қолган маънавий ҳаёт идишларини тирик мазмун билан тўлдирди, янги авлод имомлари, уламолари ва Қуръон ҳофизларини тарбиялашга бағишлади”.

Муфтий шайх Равил ГАЙНУТДИН, Россия Федерацияси мусулмонлари диний идораси ва Россия муфтийлар кенгашининг раиси, Россия Федерацияси Президенти ҳузурдаги Диний бирлашмалар билан алоқалар Кенгаши аъзоси.

Бу даврда бутун дунёда исломлашиш тўлқини бошланган эди. Ўзбекистон ҳам бу жараёндан четда қолмади. Масжидлар сони 80 тадан истиқлол йиллари бошида 8 мингга етди. Асрлар давомидаги истибод қишанлар парчаланди. Халқимизнинг азалий қадриятлари яна ўз ўзларига қайтди. Диний қадриятлар тикланди. Қуръони карим, ҳадиси шарифнинг ўзбек тилидаги нусхалари пайдо бўла бошлади. Аҳолининг диний савияси юксалиб бориши инобатга олиниб, муфассал тафсирулар дунё юзини кўрди. Юртимизнинг турли ҳудудларида жойлашган азиз авлибаларнинг, буюк зотларнинг мақбаралари тикланиб, таъмирланиб, қадимжоларга айлантирила бошланди. Бу, албатта, буюк муҳаддис Имом Бухорий номи билан аталган жоме масжиди имом-хатиби зиммасига, айниқса, юксак масъулият юклар эди. Чўнки юртимиз озодликка эришган, дунёга оз оиди. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан Имом Бухорий жону туробини зиёрат этиш орзусидаги минг-минглаб мўмин-мусулмонлар улуғ муҳаддис таваллуд толган заминга келиш имконига эга бўлган эди. Усмонхон Алимов ўзини “Имом Бухорийнинг ходими” деб ҳисоблар ва бундай шарафни ном билан доим фахрланар эди. У муҳаддислар сўлтони бўлиши буюк бобоимизнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида юртимизда биринчилардан бўлиб “Имом Бухорий баракоти” асарини ёзганди.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг фахрий доктори Усмонхон Алимов 2012 йилда Ислом олами уюшмаси таъсис мажлисининг аъзоси ҳамда Бутундунё уламолар кенгаши аъзоси этиб сайланди. Иорданнинг Исламий стратегик тадқиқотлар маркази томонидан эълон қилинадиган “Жаҳоннинг энг нуфузли 500 мусулмони” рўйхатидан муносиб ўрин эгаллади. Бундай дунёвий эътибор, эътироф бежиз бўлмай, ўз исломининг барча илмлари соҳасида тан олинган беназир олим эди. Унинг қаламига мансуб “Тафсири Ирфон” асари Қуръони карим маъноларини она тилимизда маҳорат билан акс эттирган муҳташам дурдонадир.

Олимнинг “Имом Бухорий — муҳаддислар сўлтони”, “Ҳазрати Имом”, “Ешлар — келажакимиз”, “Расулulloҳнинг муборак васиятлари”, “Расулulloҳ мўъжизалари”, “Ойлада фарзанд тарбияси”, “IX-X асрларда Самарқандда қалом ил-

мининг ривожланиши”, “Суннат ва ҳадис”, “Илмининг фазилати”, “Эҳсоннинг фазилати” каби асарлари халқимиз маънавияти ва маърифатини бойитишга беминнат хизмат қилиб, ёшларимизнинг таълим-тарбиясида муҳим аҳамият касб этди.

Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислохотлардаги халқ манфаатлари тушунчасига ислом дини мақсадлари ҳар томонлама мос эканини тушунтириб, дин пешвоси сифатида жамиятимизда тинчлик-осойишталикни таъминлашга беназир улуш қўшганини ҳам унутиб бўлмайди.

Маълумки, халқ уламоларининг айтаётган сўзлари ўқийётган ваъзаларга ўзлари қандай амал қилаётганликлари, одамлар билан муносабатларига қараб баҳо беради. Жамиятнинг маънавий-ахлоқий беҳоллари улар сиймосида кўзгуда қўри-наётгандек аксланади. Усмонхон Алимов бу жиҳатдан ҳам барчага ибрат намунаси, муомалада одо-ахлоқ қўдаларига амал қилиб, қоронғи йўллари ёритувчи юлдузи ёруғ уламо эди.

Имоми Табароний ривоят қилган ҳадисда Расулумиз соллаллоху алайҳи васаллам шундай деганлар: “Ҳалимлик қилган киши дунё ва охирадда улуғ бўлади”. Ойлада, фарзандлар тарбиясида, жамиятдаги барча инсонлар билан бўладиган қўдалар муносабатда вазиимлик ва ҳалимликни ўзларига одат қилган Усмонхон Алимов ана шундай улуғликка эришган юксак фазилатли инсон эди. Самимий, доно, тақводор, камтар ва дуоғий олим эди. Оғир, фитнали, мунозарали вазиятларда ҳам боқислик ва донолик билан иш юритар, адолат билан қарор қабул қиларди. У киши юртимизнинг қайси ҳудудда бўлмасин, масжидларда намозxonлар билан учрашиб, улар билан диний-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар борасида дилдан сўхбатлар қуради. Одамлар ҳам ўзларини қийнаган муаммоларни бемалол у кишига айта олар эди. Бошқа инсонларнинг ташвишларини ўз ташвиши каби билиб, уларни тинглай олиш юксак фазилат, ахли илмининг маданияти даражаси экани у кишининг ҳаётий шiori эди.

“Усмонхон Алимов жуда меҳрибон, айниқса, аёлларнинг ҳурматини жойига қўядиган инсон эди. У киши устозларининг дуоларини олишни одат қилган, — деб ёзганди бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ходимаси Марямхон Абдуллаева. — Кеңагидек эсимда: 2006 йилнинг август ойида муфтийлик вазифасига тайинланганда Зиёвуддин ибн Эшон Бобоҳон, Юсуфхон Шоқиров каби устозларининг хонадонларига таширф буюриб, дуоларини олишни ният қилган экан. Ушанда бизнинг ота уйимизга ҳам келганди. Қадрли меҳмон узок йиллар давомида диний идорада фаолият юритган отамиз Абдулгани Абдуллоҳни эслаб, ҳақиқа дуо қилди. Бу таширф хотирада мангуликка муҳланди. Менга ушбу олим инсон билан бирга ишлаб, дуоларини олиш бахти nasib қилди. У киши идорада барча ходимларга хушмуомалилик билан муносабатда бўларди. Биз бу инсонга бирор жойда дуч келиб қолсак, беъэтибор ўтиб кетмас, албатта, тўхтаб, хол-аҳвол сўраб ва дуо қиларди”.

2006 йилдан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий лавозимига фаолият кўрсатган Усмонхон Алимов диний-маърифий соҳалардаги ислохотларга етакчилик қилиб, зиёратгоҳлар барпо бўлишига, обидлар таъмирланишига муносиб ҳисса қўшди. Хусусан, Қорақалпоғистонда “Имом Эшон Муҳаммад” масжиди, Хоразмда “Охун бобо” масжиди, Тошкентда “Сузуқ ота” масжиди катта мажмуа шаклида бунёд этилди, Сурхондарёда Имом Термизий, Қашқадарёда Абу Муин Насафий мажмуалари қайта қурилди. Термизда Имом Термизий, Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуасида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказлари иш бошлади. Юртимиз ҳудудларида ақида,

қалом, фикр, тафсир ва ҳадис мактабларининг ташкил этилиши шарофати билан диёримиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний каби алломулар асарларини жиддий ўрганиш имкони яратилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасида сўнги йилларда амалга оширилган диний соҳадаги ислохотлар, хусусан, янги мадраса ва масжидларнинг очилиши, Қуръон ўқитиш курсларининг ташкил қилиниши, Қуръони каримнинг чоп этилиши, идора қўшида ахборот марказининг ташкил этилиши, “Вақф” хайрия жамоат фонднинг фаолияти йўлга қўйилиши, мусулмон мамлакатлари ва хорижий ҳамкорлар билан муносабатларнинг мустаҳкамланиши каби хайрли ишларда марҳум муфтийнинг хизматлари катта бўлди.

Ўзбекистон ислом маданияти ва маърифатининг дунё нигоҳидаги марказига айланди. Халқаро анжуманлар, диний тадбирлар тез-тез ўтказилиб туриладиган бўлди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш таклифи билан муурожаат қилди ва бу муҳим ҳужжат қўллаб маиллатқан томонидан қўллаб-қувватлангани ҳолда қабул қилинди. Ислом маърифати соҳасида мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатни дунё уламоларига етказишда Усмонхон Алимовнинг хизматлари беқиёс бўлди.

Озарбайжон, Россия, Украина, Туркия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ирландия, Германия ва бошқа давлатлар ҳамда диний конфессияларнинг олим уламолари иштирокида юртимизда ўтказилган “Ислом ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон — Озарбайжон мисолида” халқаро илмий-амалий анжуманида Усмонхон Алимов “Тинчликни қадрлаш — олий фазилат” мавзусида нусха сўзлаб, жумладан, шундай деган эди: “...инсоният мурақаб тараққийёт жараёнини бошидан кечи-раётган ҳозирги даврда ислом дини турли халқлар ўртасида мулоқот ўрнатилиши, уларни маънавий ва рухий жиҳатдан яқинлаштириши, зулм ва зўравонликка қарши биргаликда курашга, ҳамжиҳатликка давъат этишда беқиёс аҳамият касб этди”.

Усмонхон Алимов обрў-эътибори нафақат Ўзбекистонда, балки дунё уламолари наздида ҳам улуғ эди.

“Усмонхон Ҳўжа билан мени кўп йиллик дўстлик ва қардошлик ришталари ўзаро боғлаб турар эди. У Озарбайжоннинг дўсти, мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатлар тарофдори сифатида халқимиз томонидан тан олинган ва чўқур қадрланадиган шахслардан бири эди. Ислом маърифатлиги давъатини қўллаб-қувватлаган ташкилотлар орасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг раиси, азиз биродарим, муфтий Усмонхон Алимовнинг алоҳида ўрни бор эди. Усмонхон Алимов ҳазратлари ҳаёти ва хизмати билан муқаддас китобимизга содиқ бўлганлар орасидадир”.

Шайхулислом Оллошқур ПОШШОЗОДА, Кавказ мусулмонлари идораси раиси.

Албатта, халқ эътирофи, одамлар меҳри уламо учун катта муқофот бўлган эса-да, у кишининг хиз-



матлари давлат томонидан ҳам муносиб тақдирлаб борилди. Давлатимиз ва халқимиз олдидаги унутилмас хизматлари, жамиятимизда бағрикенглик ва динларно тотувлик муҳитининг мустаҳкамланишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Усмонхон Алимов Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Фармони билан “Эл-юрт хурмати” ордени билан муқофотланганди. Россия Федерациясининг Свердловск вилояти мусулмонлари идораси эса олимга ислом дини маърифатини тарқатиш ва эзаро ҳамкорликдаги кенг қўламли ишлари учун “Қумуш ярим ой” медалини муносиб кўрди.

“Шайх Усмонхон Темурхон ўгли роҳимаҳуллоҳ бор қучувталарини аямий ислом динини тарғиб этишга сарфлади. Бу юрда жуда буюк уламолар ўтишган, шайх ҳазратлари уларнинг илмларига жило берди. Бу номларнинг йўқолиб кетмаслигига интилади”.

Абдулло ҲАШХАНОВ, Чеченiston Республикаси Шали шаҳридаги Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам номидаги энг йirik жоме масжид имом-хатиби.

Ҳаёт барчага баробар муносабатда бўлса, ўлим яхшиларни олдинга чиқаради, деган гап бор. Усмонхон Алимов ҳаётлик вақтларида ҳам олдинда: юртимиз тинчлиги, осойишталиги учун ибрат кўрсатиб яшайди. 2021 йил 15 август куни оғир хасталикдан сўнг Москва шаҳрида вафот этганида эса нафақат ўзбек халқи, ислом олами қайғуга ботди. Ўшанда Қирғизистоннинг Ўш шаҳри қозиси, машҳур уламо Убайдуллоҳ ҳожи Сарибоев “муфтий Усмонхон Темурхон ўгли ҳазратлари Марказий Осиё давлатлари муфтийлари пешвоси”, дея ҳамдардлик изҳор этган эди.

“...Биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз...” (Бақара сураси, 156-оят) деган ақийдадамиз. Улуғ инсон Усмонхон Алимов халқ ҳузуридеги ибратмув ваъзаларида, ёзган китобларида ўзи бот-бот тақорлаган шарафга эришди. У киши кетмади — у киши Унга қайтди.

Дарҳақиқат, Усмонхон Алимов ўзидан нафақат катта илмий-маърифий мерос, балки гўзал фазилатлар ибратини ҳам қолдирди. Аллоҳ таоло бу инсоннинг ҳаётлик давридаги солиҳ амалларини, ислом дини ривожигаги хизматларини, маърифий ислом ва илму зиё таратиш йўлидаги савий-ҳарақатларини ҳусни қабул айлаб, Ўз раҳматига олган бўлсин.

Шойиб БЎТАЕВ, («Халқ сўзи»).

УЛУҒ АДИБНИНГ ИНСОНИЙ ОЛАМИ

Шундай тарихий замонда яшаймики, ҳар бир кунимиз бунёдкорликлар, янгиликларни саҳифасини очмоқда. Бу саҳифада янгиликларнинг тобора юксалаётгани, озодлик ва ободлик надишаси, ҳар бир оиланинг тинч ва фаровон ҳаёти, бахтли келажакни зарҳал ҳарфлар билан ёзилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар, хусусан, Қорақалпоғистон янада ривожлантириши, Оролбўйидаги экологик муаммоларни бартароф этиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар инсонларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашда муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, ҳаётини эл-юрт равнақида бағишлаган арбоб Тўлепберген Қайпбергенов шундай кунларни орзу қилган эди, десак, муболага эмас.

Бугун ушбу хотираларни қозғога туширар эканман, адабиётимиз, маънавиятимиз ҳазиналарини бойитган бу инсон билан замондош бўлганим, уни устоз дея этгадиган тутганимдан фахрланаман.

Тўлепберген оға биз учун доим тирикдек, худди ёнгинамизда, доно ўғилтари, ибратли фаолияти билан барчамизга йўл-йўриқ кўрсатиб, ҳар биримизни руҳан қўллаб-қувватлаб тургандек туюлади. ...1980 йил охиридада биринчи марта ижодий ишларимни йиғиб, китоб чиқариш учун Тўртқўлдан Нукусга келдим. У пайтлари ёш мураббийларнинг асарлари китоб бўлишдан олдин Қорақалпоғистон Ўзувчилар уюшмаси бўлимларида муҳожима қиларди. Наср бўлимини эса Тўлепберген Қайпбергенов бошқарди. Шу боис насрий асарини нашр қилишни дилига туккан киши борки бу инсон билан юзлашишга тўри келарди.

Тўлепберген оға мени совуқ кўтиб олгандай бўлди. Балки мени биринчи

марта кўраётганлигим учун шундай туюлгандир. У менга бошдан оёқ қараб турди-да, тўсатдан “Нечта фарзандинг бор?” деб сўради. Мен йиғилишда адабиёт ҳақида саволлар тўшса, довидарб қолмаслик учун роса тайёргарлик кўрган-дим. Қутулмаган саволнинг ҳажжони босди. Бироз жимликдан сўнг “4 ўғлим бор”, дедим ўзимни туттиб.

“Нега овозинг чикмаятти, 4 ўғил тўққан она дадил ва журъатли бўлмайдими?” Тўлепберген оғанинг қатъиятли ва дагнал сўзларидан баттар довидардим. Томоғимга нимадир тикилиб қолгандай бўлди. Устознинг бу танбеҳи менга “Шунча ёш болаларинг бор экан, нима қилсан китоб, адабиёт деб, болаларингни тарбиялаб ўтирмайсанми?” дегандек туюлди. “Қизимизни уялтирма, қара, терлаб кетди”, деди шу пайт Абад Алиев. Тўлепберген оға эса “Сен аралашмай тур”, дея унинг сўзини кесиб ташлади. “Кўнгли очик, покиза, қатъиятли аёллар фақат ўғил тўғади, шунчи би-

ласанми?” дея даб-дурустан яна савол берди. Энди умуман гагиролмай қолдим. Ерга қарадим...

Ҳеч нарса дея ол-мадим. Қўларимдан дув этиб ёш тўкилди. Орқамга қайрилиб хонадан чиқдим. Орқамдан Саригул Баҳодирова чиқди. Мени қабулхонадаги диванга ўтказди ва елкамга қўлини қўйди. Сўнгра “Синглим, хафа бўлма, Тўлепберген оғани тушунмадинг. У талабчан, лекин холис баҳо бера оладиган одам. У сени синаб қўрпаяпти. Келмасингдан олдин истеъдодингни, яхши қаламинг борлигини мактаб гапирмаётгани”, деди...

Тўлепберген Қайпбергенов ана шундай қаттиққўлик, ўз фикрида собит турадиган, адабиётга энди кириб келаётганларга талабчан, шу билан бирга, адабиётга садоқатли бир киши эди. Кейинчалик кўп бор юзма-юз бўлиб билдимки, бу инсон нафақат улуғ адиб, балки миллатни, халқни севадиган, ватанпарвар, фидойий бир сиймо экан.

1980 йили Қорақалпоғистон ёзувчиларининг навбатдаги ташкилий съездида Тўлепберген Қайпбергеновнинг ўзига хос янги қирраларини кашф этганим. Бу съезд қорақалпоқ адабиёти тарихида, қорақалпоқ ёзувчи шоирлари ҳаётида та-

рихий воқеага айланган. Съезд халқимизнинг қадрли фарзанди, ёзувчи ва адиб Тўлепберген Қайпбергеновни раис қилиб сайлаш билан якунланган.

Мен бу съездан қорақалпоқ халқининг кўнглидан жой олиб улгурган, ўз миллати тарихи, бугунги, келажак учун қайғурвич, туркийзабон халқлар адабиётида ўзининг муносиб ўрнини белгиллаб олган Тўлепберген Қайпбергеновни янада яқинроқ танидим.

Кейин эса узок йиллар менинг ҳаётим ва ижодий фаолиятим шу ташкилот билан узвий боғлиқ бўлди. Ўзувчилар уюшмаси аъзоси бўлдим. Бирин-кетин китобларим чиқа бошлади.

Адибнинг “Қорақалпоқчан, тавакалчиман” деган асарини “Қорақалпоғистон тонги” газетасида ўзбек тилида тўла чоп қилганми. Шу муносабат билан ушбу асарнинг айрим болларини ўзим ўзбек тилига ўтирганман. Ҳаётда учраб турадиган савол-жавоблардан иборат ушбу асар Тўлепберген оғанинг ҳаёт мактаби, десак, адашмаймиз.

Тўлепберген Қайпбергеновнинг “Ўзувчилар уюшмасига раҳбарлик лавозими сизга нима берди?” деган саволга қуйидаги жавоби бугун ҳам ҳар бири-минг йилларни, муайян хулосалар чиқаришга ундайди:

“Қорақалпоғистон жамоатчилигининг олий бошқарувчи қатламига аралашуви-мга ва юқори лавозим эгаларининг ўз кўл остидагиларни баъзан алдаб-сўлдаб, баъзан қўрқитиб ишлатиш йўллариини яққолроқ тушуниб етишимга имкон берди. Бу лавозим менинг, аввало, Қорақалпоғистон-

нинг Жўқорғи Кенгесига депутат бўлиб сайланишим билан ўша вақтдаги энг баланд минбарлардан халқнинг оғир дардларини ошқора айтиб гапиршишимга имконият берди. Раис бўлиб юргандаги ўзимча бир яхши ишим — барча ёзувчилар билан тенг бўлиш ниятида раислик лавозимида миниб юришимга берилган энгил машинани ўз аризмас орқали Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашига бир йўла қайтариб, ёзувчиларимизнинг аъзолик билетини кўрсатиш орқали республикамизнинг кенг худуди бўйлаб барча жамоат транспортлари-га бепул миниб юриши учун давлат қарорини чиқартиришга эришдим”.

Улуғ адибнинг ушбу жавоби собиқ иттифоқ давридаги бюрократиянинг асл юзи-ни очиб берганди. Шу билан бирга, унинг ғайрат-шижоат ва жасоратга тўла қалбини, юртовсеварлик, халқпарварлик фазилатларини намоён қилди. Ижодга, ижодкорларга меҳрли муносабатини кўрсатади.

Тўлепберген оғанинг ижоди тўла маънода миллат руҳи билан сугорилган эди. Адибнинг дастлабки асарлари бўлган “Уй-қузис тунлар”, “Бир совуқ томчи”, “Муаллимга раҳмат” сингари повестлари, “Маманбий афсонаси”, “Бахтсизлар”, “Гумроҳлар” романларини ўз ичига олган “Қорақалпоқ достони”, “Қорақалпоқнома” сингари йирик асарлари — барча-барчасида қорақалпоқ халқининг неча минг йиллик афсона ва ҳақиқатлари, дарди ва машаққатлари, орзу ва мақсадлари моҳирона тасвирланганки, бу асарлар билан та-

нишган китобхон бир умр қорақалпоқ халқига ҳамдард ва дўст бўлиб қолади. Бир маконда яшаб, бир замоннинг авлоди бўлган атоқли ижодкорлар — Ибройим Юсупов ва Тўлепберген Қайпбергенов нафақат бебаҳо адабий мероси, балки халқимиз, миллатимиз равнақи йўлида амалга оширган ишлари билан ҳам фахр-ифтихоримизга айланган. Бу икки инсон ажралмас қалин дўст эди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Т. Қайпбергенов ҳар бир асарга бадииятнинг юксак қонуниятлари асосида баҳо берарди. Икки улкан адиб айрим ижодий йиғинларда қизгин адабий бахсларда киришиб кетишарди, лекин ёлғиз қолганларида бир-бири билан дардлашар, сирлашар эдиларки, бу ҳолни кўрган киши уларнинг дўстлигига ҳавас қиларди.

Мен ўзим кўп марта бундай манзаранинг гувоҳи бўлганман ва ҳатто бу ҳақда савол берганимда Тўлепберген Қайпбергеновнинг жавоби мени хайратга солганди.

— Бизнинг дўстлигимиз миллат мангулиги каби, — деган эди у. — Бахсларимиз эса фақат ижод теварагида. Мен Ибройимни, у эса мени қайраб турмас, ижод қандай келадий?! Буни ҳамма ҳам тушунавермайди. Бизларни бошқалар танқид қилишга ботинолмайди, фақат мактайдий, биз эса бир-биримизни танқид қиламиз. Ибройим ҳамнинг кўзича бундай қилмас акам ёлғиз қолганимизда мени данакдай қаҳиб, мағзи аччиқ деб, четга суриб қўяди...